

ТАСДИКЛАЙМАН"

Сўх-Октепа ИТБ

Бошлиғи И Хошимов



**Хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖАТЛАРИ**

Танлов ҳужатларининг мазмуни

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети Сўх-Оқтепа ИТБ Сарикқўрғон бош иншоатни экологик лойиха хулоса ишларни бажариш

1.2.Хизмат буйича Техник топширик танлов хужатларининг техник қисмда илова қилинган

Ушбу танлов якунлари буйича голиб бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади .

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022-йилгача.

1.4. Ишларни бошлаш муддати ойма ойига ҳисобланади .

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЛАРИ

2.1. Сўх-Оқтепа ирригация тизим бошқармаси (бундан кейин –«Буюртма» деб аталади)-танлов ташкилоти ҳисобланади .

2.2 «Буюртмачи »манзили Кукон шаҳар И.Бухорий 5уй

2.3. Танлов «Буюртмачи » томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ,белгиланган муддатларда утказилади .

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишда ихтисослашган ,қаида 5 йил тажрибага ҳамда юридик мақомга ега булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин .

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади.

1. Хизмат қўрсатувчининг тулик юридик манзили, банки вारेқвизити, телефон рақами,

гувоҳнома ,тижорат таклиф

2. Солик ва бошка мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солик идорасини маълумотномаси

3. Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хақида маълумотлар.

4. Доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият

Конунчиликда бино анлицензиялаштириш зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорга рухсат берилади .

3.4 Куйидаги талабгорларга танлов жараенларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этишлиш (ажратилиш кушилиш) тугатиш еки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар , хамда муассислик келишув , молиявий иштирок холдинг ва бошка шаклда ташкилий-хукукий еки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар хамда нархи 10 фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1.Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи”томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний тулвлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, маълумотлар техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

-такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик булади:

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларнинг қоидаларига доир тушутиришлар уларнинг мазмун моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Тақлифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда курсатилган шартлар асосида тузилади.